O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI ... 290901

Shu aziz Vatan — barchamizniki

O'ZBEKISTON OVOZI

O`ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI SIYOSIY-IJTIMOIY GAZETASI

2001 YIL 15 SENTABR ◆ SHANBA ◆ № 112 (26.814)

14 сентябрь куни Жиззахда II чақириқ Халқ депутатлари вилоят Кенгашининг навбатдан ташқари сессияси бўлди. Унда вазирлик ва идоралар раҳбарлари, Жиззах вилоятидан Олий Мажлисга сайланган депутатлар, шаҳарлар ва туманлар ҳокимлари иштирок этди.

Сессияда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов нутқ сўзлади.

ИСЛОҲОТЛАР ИЗЧИЛЛИГИ — ТАРАҚҚИЁТИМИЗНИНГ МУҲИМ ОМИЛИ

Жиззах вилояти ўзининг иқтисодий салоҳияти, ишлаб чиқариш қувватлари, табиий бойликлари билан ҳам мамлакатимиз халқ хўжалигида алоҳида ўрин эгаллайди. Энг муҳими, унинг ўзига хос қиёфасини, мавқе-эътиборини мана шу саховатли заминда яшайдиган заҳматкаш инсонлар, уларнинг ақл-заковати, фидойилиги, эл-юрт ишига садоқати белгилайди.

Жиззах эли ўзининг олижаноб хусусиятларини намоён этиб, доимо озодлик ва эркинликка интилиб келган ориятли, ғурури баланд халқ. Бу қадим заминда қанча-қанча фан ва маданият намояндалари, атоқли адиб ва шоирлар, ишлаб чиқариш илғорлари етишиб чиққан.

Айниқса, мамлакатимиз тарихида ўчмас ном қолдирган буюк инсон Шароф Рашидовнинг нафақат Ўзбекистон, балки бутун Ўрта Осиёда машҳур шахс бўлганини, унинг хизматларини халқимиз ҳеч қачон унутмайди, деб таъкидлади Президент.

У ўз нутқида Жиззах воҳасида юз бераётган ҳавас қилса арзигулик ўзгаришлар билан бирга ҳал қилиниши лозим бўлган масалаларга батафсил тўхталиб ўтди.

Кейинги йилларда вилоятда мавжуд бўлган улкан имкониятлардан самарали фойдаланиш, уларни халқимиз фаровонлиги йўлида хизмат қилдириш, Жиззах вилоятининг обрў-эътиборини ошириш борасида анчагина ижобий натижалар қўлга киритилди.

Саноат, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари, халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқариш ҳажмининг кўпайиши, чакана товар айланмаси, аҳолига пулли ва маиший хизмат кўрсатиш даражасининг ошгани, макроиқтисодий ва молиявий барқарорлик таъминланаётгани, иқтисодиётдаги етакчи тармоқ ва соҳаларнинг мутаносиб ҳолда ривожланаётгани ана шундай ўзгаришлар самарасидир.

Жорий йилнинг 6 ойи мобайнида солиқ ва бошқа мажбурий тўловлар мўлжалдагига нисбатан қарийб 3 миллиард сўмга кўпайгани, пул эмиссияси белгиланганидан анча паст бўлиб, икки йил мобайнида 15 фоизга камайганини ҳам олиб борилаётган иқтисодий ислоҳотларнинг амалий натижаси сифатида баҳолаш мумкин. Кейинги йилларда вилоятда саноатнинг изчил тараққиёти учун пухта замин яратилмоқда. Бугунги кунда бу ерда ўнлаб йирик саноат корхоналари фаолият кўрсатмоқда.

Вилоятда чет эл сармояларини жалб этиш бўйича ҳам ижобий ишлар амалга оширилди, — деди Ислом Каримов. — Хусусан, 2001 йилнинг олти ойи мобайнида вилоят иқтисодиётига 11 миллиард сўм миқдоридаги хорижий сармоя киритилди. Бу кўрсаткич ўтган йилда 1 миллиард сўмни ташкил этганини ҳисобга оладиган бўлсак, бу борада ўсиш кўзга ташланаётгани аён бўлади.

Чет эллик ҳамкорлар билан биргаликда барпо этилаётган «Ўзэксайд», «Жиззах ЛРС Пласт» каби қўшма корхоналар ишга тушгач, вилоятнинг республикамиз иқтисодиётидаги ҳиссаси янада ортиши шубҳасиз.

Мамлакатимизда амалга оширилаётган таркибий ўзгаришлар сиёсати Жиззах вилоятида ҳам ўз ижобий натижаларини бермоқда. Биргина ўтган йилнинг ўзида саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми вилоят бўйича икки баробарга кўпайиб, 21 миллиард сўмга етгани бунга яққол далил бўла олади.

Истиқлол йилларида юртимизда бошланган «Биздан озод ва обод Ватан қолсин» деган ҳаракат бугун ўзининг ижобий самарасини бераётгани барчамизни қувонтиради, дея фикрини давом эттирди Юртбошимиз. Бундай бунёдкорлик ишларини Жиззах вилояти мисолида ҳам кўриш мумкин.

Кейинги вақтда бу ерда барча молиявий манбалар ҳисобидан жами 56 миллиард сўм капитал маблағ ўзлаштирилиб, бир миллион квадрат метрдан зиёд уйжой, 45 та қишлоқ врачлик пункти, 24 та мактаб, 13 та замонавий касб-ҳунар коллежи қурилиб фойдаланишга топширилди.

Ўрта Осиёда ягона бўлган спорт мажмуаси — Олимпия захиралари коллежининг барпо этилиши, марказий стадионнинг тўла таъмирдан чиқарилиши, янги қурилган «Маънавият ва маърифат» маркази, Истиқлол боғи, маҳалла гузарлари, замонавий коллеж ва лицейлар, сузиш ҳавзалари, теннис кортлари каби янги-янги иншоотлар бугунги кунда Жиззах шаҳри қиёфасини бутунлай ўзгартириб юборди.

Айниқса, юзлаб ўғил-қизларимиз ўзларининг спорт маҳоратини намойиш этган биринчи «Баркамол авлод» спорт ўйинларининг мана шу шаҳарда катта муваффақият билан ўтгани нафақат вилоят, балки мамлакатимиз спорти тарихида катта воқеа бўлди, деб таъкидлади Президент.

Вилоятда шаҳар ва қишлоқларнинг инфратузилмасини яхшилаш, шу орқали одамларнинг оғирини енгил қилиш, уларга муносиб турмуш шароити яратиб бериш мақсадида қарийб 750 километр газ ва 405 километр ичимлик сув узатиш тармоқлари ишга туширилди.

Вилоятда амалга оширилган ишларни сарҳисоб қилар эканмиз, кўзга ташланаётган муҳим бир масалага эътиборни жалб қилиш лозим, деб ўйлайман, деди Ислом Каримов. Кейинги йиллар давомида шу юртда яшайдиган одамларнинг онгу тафаккурида ижобий ўзгаришлар юз бергани, уларнинг меҳнатга, ерга, мулкка, умуман ҳаётга бўлган муносабати ўзгариб, ўз кучи, ўз салоҳиятига ишончи ортиб бораётгани биз эришаётган ютуқларнинг омили бўлмоқда.

Юртбошимиз ўз нутқида вилоятнинг қишлоқ хўжалиги ривожи билан боғлиқ масалаларга алоҳида эътибор қаратди.

Вилоятда қишлоқ хўжалигида таркибий ўзгаришларни амалга ошириш, ислоҳотларни чуқурлаштириш борасида бирмунча ишлар қилинаётганини кўриш мумкин.

Кейинги йилларда вилоятда умумий маҳсулот ҳажмининг ўсишига эришилгани, хусусан, стратегик хомашё — пахта ва ғалла етиштириш ҳажми қарийб 30 фоизга ошгани диққатга сазовордир.

Лекин, афсуски, қўлга киритилган ютуқлар билан биргаликда бу соҳада қатор камчиликларга ҳам йўл қўйилмоқда. Таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, Жиззах вилоятида бу борада ўз ечимини кутиб турган бир қанча масалалар бор, деди Президент сўзида давом этиб. Вилоятда қишлоқ хўжалик экинлари учун ажратилган майдонларнинг ер ва иқлим шароитини инобатга олиб, эртапишар, серҳосил, янги, истиқболли ғўза ва ғалла навларини танлаш, ана шундай хусусиятларга эга бўлган уруғликни тезроқ кўпайтириш масаласига кўпроқ эътибор бериш зарур.

Бу соҳада олдимизда турган барча муаммоларнинг ечими негизида — ерни деҳқонга ижарага бериш, фермер ва деҳқон хўжаликларини ҳар томонлама ривожлантириш мужассам эканини бугун ҳаётнинг ўзи исботламоқда.

Чунки ўзига қонуний равишда ажратиб берилган ерда ишлаб, ўзининг ҳалол меҳнатига қараб ҳақ оладиган деҳқон унга бор меҳрини беради, даласини шўрга ҳам, бегона ўтга ҳам бостириб қўймайди.

Афсуски, баъзи раҳбарлар бу масалага юзаки қараб, хўжалик юритишнинг замонавий шакли бўлган ширкат, фермер ва деҳқон хўжаликлари ривожига кенг йўл очиб бермаяпти.

Ҳолбуки, вилоятнинг Пахтакор, Дўстлик, Мирзачўл туманларида ҳар гектар пахта майдонидан 35-40 центнердан, ҳар гектар ғаллазордан эса 45-50 центнердан ҳосил олаётган хўжаликлар мулкчиликнинг бундай шакли нечоғли афзал эканини амалда намойиш этмоқда.

Мана, битта мисол: Дўстлик туманидаги Омонбой Абдуллаев бошчилик қилаётган «Машъал» фермер хўжалиги ўтган йили ҳар гектар майдондан 46 центнер пахта, 51 центнердан ғалла ҳосили олди. Туман бўйича эса пахтадан ўртача 18 центнердан, ғалладан эса 33 центнердан ҳосил етиштирилган, холос.

Бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин, лекин мана шу далилнинг ўзиёқ ишни янгича ташкил этиш, иш юритишнинг замонавий, илғор шаклларига кенг йўл очиш деҳқонларда ерга эгалик ҳиссини уйғотиши, ердан тўғри ва самарали фойдаланишга хизмат қилишининг амалий исботи эмасми?

Эскидан, ота-боболаримиздан қолган бир нақл борки, у ҳақда бугун гапирмасак бўлмайди, — деди Ислом Каримов. — «Ерни боқсанг, ер ҳам сени боқади» деган ҳикмат барчамизга маълум.

Бугун қишлоқ хўжалик соҳаси тақдирини ҳал қилувчи масалалардан энг муҳими — бу ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш масаласидир.

Вилоятда жами 300 минг гектар суғориладиган ер майдони бор. Вилоятнинг қишлоқ хўжалик эҳтиёжлари учун ажратиладиган сув миқдори етишмаслигини ҳаммамиз яхши биламиз. Жорий йилда вужудга келган қурғоқчилик туфайли сувга эҳтиёж баъзи туманларда бор-йўғи 70-80 фоизга қопланди.

Бу вазиятни енгиллаштириш мақсадида Жиззахдаги 3-магистраль канали реконструкция қилиниб, унинг сув ўтказиш имконияти оширилди ва Жиззах сув омборига қўшимча сув тўплаш мумкин бўлди. Бу 2002 йилда 30 минг гектардан ортиқ ернинг сув таъминотини яхшилаш имконини беради. Ҳукумат қарори билан Арнасойда сув омбори қурилиши олиб борилмоқда. Бу йирик сув ҳавзаси умумий майдони 40 минг гектарни ташкил этадиган Мирзачўл, Арнасой ва Фориш туманларидаги экин майдонларини суғоришни яхшилашга хизмат қилади. Вилоят қишлоқ хўжалигида сув таъминотини яхшилаш учун 213 километрлик Зомин сув омбори ҳавзаси ва Зарафшон дарёсидан тортиладиган сув ўтказиш тармоғи қурилишини жадаллаштириш даркор.

Лекин амалга оширилаётган чора-тадбирлар билан бир қаторда вилоятда сувдан тежамкорлик билан фойдаланиш, сув сарфини назорат қилиш масаласига жиддий

(Давоми 2-бетда)

АНДИЖОН ВИЛОЯТИНИНГ ПАХТАКОРЛАРИ, БАРЧА МЕҲНАТКАШЛАРИГА

Қадрли андижонликлар!

Аввало, барчангизни эришган улкан меҳнат ғалабангиз — давлатга пахта сотиш бўйича шартнома режасини мамлакатимизда биринчи бўлиб бажарганингиз билан чин қалбимдан самимий муборакбод этаман.

Сизлар 305 минг тонналик улкан хирмон бунёд этиб, фидокорона меҳнатингиз ва тадбиркорлик фазилатларингиз билан қандай юксак марраларни эгаллашга қодир эканингизни яна бир карра амалда исбот этдингиз.

Вилоят деҳқонларининг илк бор мана шундай қисқа, тасаввур қилиш қийин бўлган муддатда — сентябрь ойининг биринчи ярмида давлат режасини шараф билан уддалаб, пахтачилигимиз тарихида янги саҳифа очгани барчамизга ғурур-ифтихор бағишлайди.

Бу ютуқнинг замирида ўз ерига меҳр қўйган, ўз ҳалол меҳнати самарасидан манфаатдор бўлган, олижаноб ва заҳматкаш Андижон элининг омилкорлиги, иқтисодий ислоҳотларни амалга ошириш жараёнида орттирган билим ва тажрибаси мужассам эканини алоҳида таъкидлаш зарур.

Айниқса, бу йил вилоят далаларида чигит юз фоиз плёнка остига экилиб, агротехник тадбирлар тез ва соз ўтказилгани, энг муҳими, август ойидаёқ теримга киришиб, пахта хомашёсининг юқори сифат билан териб олингани Андижон технологияси деб ном олган усулнинг афзаллигини яққол намойиш этади.

Мамлакатимиз пахтачилигини янги, юқори босқичга кўтарадиган бу деҳқончилик мактабини ҳар қанча ўрганса, янгиликка интилиб яшайдиган, ғурури баланд сиз андижонлик пахтакорлардан ҳар қанча ибрат олса арзийди.

Сизларнинг давлатга яна қўшимча тарзда 50 минг тонна пахта сотишга қарор қилганингиз барчамизни қувонтиради.

Азиз дўстлар!

Гўзал Андижоннинг шуҳратига шуҳрат қўшаётган, ишнинг кўзини биладиган, ташаббускор ва изланувчан деҳқонларни, теримчи ва механизаторларни, барча қишлоқ хўжалик ходимларини, бутун Андижон халқини бағримга босиб, қўлга киритган ажойиб меҳнат ғалабангиз билан яна бир бор қутлайман.

Бу ютуқ, бу зафар ҳар бирингизнинг рўзғорингизга, бутун юртимизга қут-барака, тўкинлик ва фаровонлик бахш этсин.

Барчангизга сиҳат-саломатлик, бахту саодат, хонадонларингизга тинчлик-тотувлик тилайман.

Заҳматкаш қўлларингиз асло дард кўрмасин, азиз бошингиз ҳамиша омон бўлсин, қадрдонларим!

Ислом КАРИМОВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти

АҚШ ЭЛЧИСИНИНГ МИННАТДОРЛИГИ

Америка Қўшма Штатларининг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Жон Ҳёрбст АҚШда юз берган фожиа муносабати билан Ўзбекистондаги маҳаллий ва хорижий оммавий ахборот воситалари вакилларига интервью берди.

Элчи ўз баёнотида америкаликларнинг дардига шерик бўлаётган Ўзбекистон халқига ва Президент Ислом Каримовга миннатдорлик билдирди.

«АҚШ элчихонасига Ўзбекистон аҳлидан АҚШда содир этилган террорчилик ҳаракатидан азият чекканларга ҳамдардлик рамзи сифатида минглаб гулдасталар ва кўнгил изҳорлари битилган номалар тўхтовсиз келиб турибди. Бу кўрсатилаётган маънавий мададнинг аҳамияти беқиёсдир», деди жумладан Ж.Ҳёрбст.

Шунингдек, у терроризм балосига қарши курашда дунё тараққийпарвар халқларининг ўзаро бирдамлиги зарур эканини ҳам айтиб ўтди.

Нью-Йорк ва Вашингтонда юз берган террорчилик ҳаракатлари қурбонлари хотираси учун 13 сентябрь куни АҚШнинг Тошкентдаги элчихонасида ҳамдардлик китоби очилди. Унга мамлакатимиз аҳли, хорижий меҳмонлар ўз кўнгил изҳорларини ёзиб қолдирмоқда.

■ (ЎзА)

ЎЗБЕКИСТОН ХДП МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ СИЁСИЙ ИЖРОИЯ ҚЎМИТАСИНИНГ БАЁНОТИ

Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгаши Сиёсий ижроия қўмитаси Америка Қўшма Штатларида, жорий йилнинг 11 сентябрида, рўй бериб, минглаб бегуноҳ одамларнинг ҳалок бўлишига олиб келган террорчилик амалларини қатъий қоралайди. Ушбу ёвузликни содир этиб, Инсон учун энг муқаддас нарса — яшаш ҳуқуқига тажовуз қилган кимсаларга ҳеч қандай шафқат йўқ ва унинг бўлиши ҳам мумкин эмас!

Биз бутун Америка халқига, мазкур фожиали воқеалар муносабати билан, таъзия билдириш билан бирга, гуноҳсиз кишиларнинг, мисли кўрилмаган ёвузлик оқибатида, оламдан бевақт кўз юмганликларидан чуқур қайғуда эканлигимизни ва уларнинг қариндош-у яқинларига самимий ҳамдардлик изҳор этамиз.

Ўзбекистон Халқ демократик партияси халқаро терроризмнинг, инсониятни зўравонлик ва бераҳмлик жарига қулатишга қаратилган, разил уринишларига нисбатан ўз ғазаб ҳамда нафратини билдиради. Биз мамлакатимиз Президенти Ислом Каримовнинг, Ўзбекистон мустақиллигининг илк кунларданоқ изчил намоён этиб келаётган, жаҳон ҳамжамиятининг халқаро терроризмнинг барча жирканч кўринишларига қарши баҳамжиҳат курашишини ташкил этишга қаратилган, аниқ сиёсий йўли ва амалий ҳаракатларини тўла қўллаб-қувватлаймиз. Ўйлаймизки, бутун дунёдаги эзгу ниятли кишилар, барча маърифатли давлатлар, ушбу, XXI асрда жаҳон ҳамжамияти осойишталигига раҳна солаётган, хатарли таҳдидни бартараф этиш мақсадида, ўзларининг куч ва имкониятларини, шубҳасиз, бирлаштирадилар.

2001 йил 12 сентябрь.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

У.Я.ЯМАНҚУЛОВНИ ЖИЗЗАХ ВИЛОЯТИНИНГ ҲОКИМИ ЭТИБ ТАЙИНЛАШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 93-(12-банди) ва 102-моддаларига мувофиқ:

Убайдулла Яхшибоевич Яманқулов Жиззах вилоятининг ҳокими этиб тайинлансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти **И. КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,
2001 йил 14 сентябрь

Самимий қутловлар

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

Президент Жаноблари, Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигига ўн йил тўлган кунда Португалия халқи ва шахсан ўз номимдан Сиз Жаноби Олийларига самимий қутловлар йўлламоқчиман.

Мана шу ўн йил мобайнида мамлакатларимиз ўртасида самимий дўстлик ва ҳамкорлик муносабатлари қарор топди. Ишончим комилки, келгусида икки томонлама муносабатларни чуқурлаштириш учун янги имкониятлар пайдо бўлади ва келгуси йил ЕХХТда Португалия раислик қилиши доирасида Марказий Осиёда тинчлик ва барқарорлик манфаатлари йўлида бизнинг биргаликда ишлашимизга, шунингдек халқларимиз ўртасидаги муносабатларни мустаҳкамлаб боришга имкониятимиз бўлади.

Сиз Жаноби Олийларига шахсий омонлик ҳамда Сизнинг халқингизга тобора равнақ ва тараққиётни тилаб билдирган самимий истакларимни йўллар эканман, Президент Жаноблари, Сизга бўлган ғоят юксак эҳтиромимни қабул қилгайсиз.

Жорже Сампайо,
Португалия Республикаси Президенти

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

Ўзбекистон Республикасининг Мустақиллиги куни нишонланиши муносабати билан Қувайт халқи ва шахсан ўз номимдан Сиз Жаноби Олийларига шахсий сиҳат-саломатлик ва бахт-саодат, биродар халқингизга давомий тараққиёт ва фаровонлик тилаб, самимий истакларимни йўллаш менга мамнуният бахш этди.

Жобир ал-Аҳмад ас-Сабоҳ,
Қувайт Давлати Амири

ГАЗЕТАДА БОСИЛМАДИ, АММО...

ЙЎЛЛАР АСФАЛЬТЛАНДИ

Денов туман ҳокимлиги Ш. Қобилов ширкат хўжалигида яшовчи фуқаро Ўрол Бекмуродовнинг «Таъмирталаб кўчалар» сарлавҳали хати юзасидан қуйидагиларни маълум қилади.

Ҳақиқатан ҳам шаҳардаги айрим кўчаларнинг таъмирталаб эканлиги ҳисобга олиниб, шаҳарнинг Ш. Рашидов, Х. Останақулов, Мустақиллик, Регистон, Туркистон, Мир Саид Барака кўчалари таъмирлаш режасига киритилган ва ҳозирги кунда Мир Саид Барака кўчасига тўлиқ асфальт ётқизилиб, таъмирлаш ишлари ниҳоясига етказилди. Шунингдек, хат муаллифи қайд этган Х. Останақулов кўчасининг 850 метр қисмига асфальт ётқизилиб, йўлнинг икки четига бетон ариқчалар ўрнатилди, Мустақиллик кўчасининг бир қисми ҳам асфальтланди, қолган қисмида жорий таъмирлаш ишлари ниҳоясига етказилди.

Туркистон кўчасининг бир қисмига тўлиқ асфальт ётқизилиб, қолган қисми ҳам ниҳоясига етказилмоқда. Регистон кўчаси бўйлаб канализация қувурлари ётқизилиши режага киритилганлиги сабабли, ушбу ишлар бажарилгандан сўнг кўчани таъмирлаш ва ободонлаштириш амалга оширилади. Шунингдек, Қизилсув дарёси кўпригидан мол бозоргача бўлган йўлни таъмирлаш 2002 йил режасига киритилиши кўзда тутилган.

Бундан кейин ҳам шаҳар ва туман ҳудудларини ободонлаштириш ва кўчаларни таъмирлаш доимо туман ҳокимлиги эътиборида бўлади.

Денов туман ҳокимининг биринчи ўринбосари — шаҳар ҳокими Ж. ОЛТИБОЕВ

ИСЛОҲОТЛАР ИЗЧИЛЛИГИ — ТАРАҚҚИЁТИМИЗНИНГ МУҲИМ ОМИЛИ

(Давоми. Боши 1-бетда)

эътибор бериш лозим.

Қишлоқ хўжалигида янгича ишлаб чиқариш муносабатларини қарор топтириш ҳақида сўз юритиб, Юртбошимиз бу муносабатларнинг ҳуқуқий асослари, жумладан, тузилаётган шартномалар ва уларга риоя қилиш тўғрисида алоҳида тўхталиб ўтди.

Кўп ҳолларда ширкат хўжаликлари билан оилавий пудратчилар ўртасида тузилаётган шартномаларда томонларнинг мажбуриятлари, уларни бажариш учун жавобгарлик масаласига етарлича аҳамият берилмаяпти. Бу эса деҳқонларнинг ҳақли эътирозларига сабаб бўлмоқда.

Масалан, Пахтакор туманидаги «Пахтакор» ширкат хўжалиги шартномада белгиланган 94 тонна ўсимлик ёғининг атиги 16 тоннасини олган бўлса, шу тумандаги Акмал Икромов номли ширкат хўжалиги, «Аҳмад ота» ва «Баллакор» фермер хўжаликлари ўсимлик ёғи ва кунжарасининг бугунгача бир килосини ҳам ололмаганини қандай изоҳлаш мумкин?

Бу пешона тери тўкиб, ҳосил етиштирувчи деҳқонга нисбатан беписандлик, керак бўлса, зўравонлик эмасми? Бундай ишларга асло йўл қўйиш мумкин эмас, деб уқтирди мамлакатимиз раҳбари.

Деҳқон ва фермер хўжаликларига кредит ажратиш, уларни уруғлик, техника, ёқилғи, ўғит билан таъминлаш, турли идора ва ташкилотларда сарсон бўлишига йўл қўймаслик, ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш масаласида ҳали кўп иш қилишимиз лозим.

Қишлоқ хўжалик соҳасида бугун мавжуд бўлган аҳволни баҳолар эканмиз, бир нарсага ишончим комил. Жиззах деҳқонлари ҳеч кимдан кам бўлмасдан бу йилги мавсумда ўзини албатта кўрсатади, деб ишонч билдирди Президент.

Мамлакатимиз иқтисодий сиёсатида мулкдорлар синфини шакллантириш, кичик ва ўрта бизнеси ривожлантириш, тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш муҳим ўрин тутади. Бугунги кунда Жиззах вилоятида 9 минг 500 га яқин кичик ва ўрта бизнес корхонаси фаолият кўрсатмоқда.

Шуниси эътиборлики, бу ерда ҳар минг нафар меҳнатга лаёқатли кишига 16 та кичик ва ўрта бизнес субъекти тўғри келади. Бу мамлакат бўйича ўртача кўрсаткичдан анча кўп демакдир. Бундай корхоналарнинг вилоят бўйича ишлаб чиқарилаётган ялпи ички маҳсулотдаги улуши 38 фоизни ташкил этади.

Юртбошимиз бу масалада вилоятда катта иш қилингани, лекин бу корхоналарнинг аксарияти тижорат билан эмас, бевосита ишлаб чиқариш билан шуғулланишига эришиш кераклигига йиғилганлар эътиборини қаратди.

Ўтган ярим йил мобайнида вилоятда кичик ва ўрта бизнес корхоналари учун бюджетдан ташқари маблағлар ҳисобидан 120 миллион сўм кредит ажратилган. Лекин Жиззахдек катта вилоят учун бу етарли эмас.

Чунки бу нафақат иқтисодий, балки ижтимоий аҳамиятга ҳам эга бўлган масаладир. Одамлар, айниқса ёшларни иш билан таъминлаш, янги иш ўринларини барпо этиш, ҳамма жойда бўлганидек, Жиззах вилоятида ҳам доимий диққатимиз марказида бўлиши лозим.

Вилоят аҳолисининг 70 фоизи қишлоқ жойларда яшайди. Меҳнатга лаёқатли аҳоли сони йилига 10 минг кишига ортиб бормоқда. Бу эса, ўз навбатида, янги иш ўринларини яратиш, уларнинг таркибий тузилиши ва туманлар бўйича жойлашуви билан боғлиқ ишларни ҳаёт талаблари асосида ташкил этишни тақозо қилади.

Бу оғир муаммонинг ечими, энг аввало, одамларнинг, биринчи галда, ёшларнинг ғайрат-шижоатини деҳқон ва фермер хўжаликларига, кичик ва ўрта бизнес соҳасига, хизмат кўрсатиш тармоқларига сафарбар этишда эканини бугун замоннинг ўзи исботламоқда, деди Ислом Каримов сўзини давом эттириб.

Вилоятда қишлоқ хўжалиги соҳасида ёш кадрлар билан ишлаш масаласи ҳам долзарб бўлиб турибди.

Буни соҳада хизмат қилаётган 30 ёшгача бўлган раҳбар ходимлар фақатгина 20-25 фоизни ташкил этишидан ҳам билса бўлади.

Жиззах воҳасида замон талабларини пухта ўзлаштирган, эл-юртига садоқатли, халқ дарди билан яшайдиган ташаббускор ёшлар кўп. Ана шундай ватанпарвар, ташкилотчилик қобилиятига эга бўлган ёшларнинг йўлини очиб бериш, уларга масъулиятли лавозимларни ишониб топшириш керак.

Сўнгги йилларда Жиззах вилоятида янги мактаблар, лицей-коллежлар, маданият масканлари, спорт иншоотлари барпо этилмоқда, аҳолининг соғлигини сақлаш, турли хил юқумли касалликларнинг олдини олиш, қишлоқ врачлик пунктларини ташкил этиш борасида ҳам бирмунча ишлар амалга оширилмоқда.

Хусусан, даволаш ва профилактика муассасаларининг моддий-техникавий негизини яхшилаш мақсадида вилоят юқумли касалликлар шифохонаси, онкология, руҳий-асаб касалликлари ва эндокринология диспансерлари замонавий биноларга кўчирилди, бир қатор даволаш масканлари тубдан қайта таъмирланди.

Лекин бу соҳадаги аҳволни тўлиқ ижобий баҳолаб бўлмайди. Вилоятда ҳали таъмирга муҳтож, тоза ичимлик сув, табиий газ билан таъминланмаган мактаб ва шифохоналар ҳам йўқ эмас.

Аҳолини тоза ичимлик сув ва табиий газ билан таъминлашни яхшилаш масаласига ҳам эътиборни кучайтириш зарур.

Бугун ҳуқуқий-демократик давлат, эркин фуқаролик жамияти барпо этиш йўлидан бораётган эканмиз, бунда қонун устуворлиги биринчи ўринда туради, деб таъкидлади Президентимиз. Қонун олдида ҳамма, ҳар қандай инсон — қандай вазифа ва мартабада ишлаши ва ким бўлишидан қатъи назар — тенгдир. Ҳаётимизда мана шу қоиданинг амал қилишига эришиш учун аҳолининг барча қатламлари, айниқса, ёшлар ўртасида ҳуқуқий билим, ҳуқуқий онгни, ҳуқуқий маданиятни юксалтиришга алоҳида эътибор қаратиш даркор.

Олий Мажлиснинг яқинда бўлиб ўтган олтинчи сессиясида ана шу муҳим масалалар ҳақида атрофлича фикр юритилди.

Хусусан, суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ этиш, уларнинг фаолиятини эркинлаштириш, судларнинг мустақиллигини амалда таъминлаш орқали жамиятда адолат устуворлигига эришиш борасида яна бир муҳим қадам қўйилди.

Эндиги асосий вазифа — ана шу қабул қилинган ҳуқуқий ҳужжатларни изчиллик билан, оғишмай ҳаётга татбиқ этишдан иборат, деди давлатимиз раҳбари.

Ҳеч шубҳасиз, мамлакатимиз тараққиёти, унинг дунёдаги ривожланган давлатлар қаторидан муносиб ўрин эгаллаши кўп жиҳатдан кадрлар масаласига боғлиқ.

Ҳар қайси вилоят ёки туман, шаҳар-қишлоқнинг ўзига хос қиёфасини, мавқеэътиборини ана шу жойда яшайдиган меҳнаткаш, омилкор, фидойи инсонлар белгилайди. Шуни мамнуният билан айтиш керакки, Жиззах вилоятида бундай одамлар кўплаб топилади.

Президент Ислом Каримов ана шундай юртдошларимиз қаторида: Ўзбекистон Қаҳрамони, Жиззах туманидаги Ҳамроқул Носиров номли жамоа хўжалиги пахтачилик бригадасининг бошлиғи Парда Зиётов, Дўстлик туманидаги «Оқ олтин» ширкат хўжалиги раҳбари Тожибой Бозорбоев, Жиззах туманидаги Ҳамид Олимжон номли жамоа хўжалигидан Абдунаби Абдураҳмонов, Зарбдор туманидаги «Андижон» ширкат хўжалигидан Усканбой Азимов, Зафаробод туманидаги Собир Раҳимов номли ширкат етакчиси Саидолим Бўлтаков, Зомин туманидаги «Мустақиллик» фермер хўжаликлари уюшмаси раиси Мухтор Эгизов, Мирзачўл туманидаги «Пахтазор» фермерлар уюшмаси бошлиғи Ҳайдар Абдураҳмонов, Дўстлик туманидан фермер Эсон Иноминов, Арнасой туманидан фермер Эштуроп Абдусатторов, Бахмал туманидаги «Деҳқонобод» ширкат-хўжалиги бошлиғи Рустамқул Норқулов каби ажойиб инсонларнинг номларини ҳурмат билан тилга олиб ўтди.

Ислом Каримов кадрларни тўғри танлаш, уларни жой-жойига қўйиш, замон талаблари руҳида тарбиялаш борасида Жиззах вилоятида амалга оширилаётган ишларга тўхталиб, бу соҳада масъулият ва талабчанликни кучайтириш лозимлигини яна бир бор таъкидлади.

Сессия кун тартибидаги асосий масала ҳақида гапирар экан, Президент, жумладан, шундай деди: Жиззах вилоятининг ҳокими бўлиб ишлаб келган Шавкат Мирзиёев куни кеча Самарқанд вилоятига биринчи раҳбар этиб сайланди. У Жиззах вилоятига беш йил раҳбарлик қилди. Шу йиллар давомида Жиззах воҳасида қанча ижобий ишлар амалга оширилган бўлса, холисона баҳо берганда, шуни тан олишимиз керакки, уларда бу одамнинг ҳам ҳиссаси катта бўлди.

Жиззах аҳли билан тил топишиб, баҳамжиҳат бўлиб, одамларнинг бошини қовуштириб, катта-катта режаларни амалга оширишда ташаббускор, бош-қош бўлди. Шу мўътабар заминни обод қилиш, Жиззахнинг обрўсини ошириш йўлида хизмат қилди, кўпгина синовларни, қийинчиликларни енгиб ўтиш жараёнида тобланди, тажриба орттирди.

Ҳеч шубҳасиз, вилоят раҳбарининг мана шундай ишлар билан ўзини кўрсатишида, таъбир жоиз бўлса, уни тарбиялашда, вилоятнинг кўзга кўринарли натижаларга эришишида Жиззах жамоатчилиги, вилоят аҳлининг, мана шу залда ўтирганларнинг ҳиссаси катта бўлганини мен яхши тушунаман ва бунинг учун барчангизга ўзимнинг миннатдорлигимни изҳор этаман, деди мамлакатимиз раҳбари.

Сессияда ташкилий масала кўрилди.

Ўзбекистон Президенти Ислом Каримовнинг тавсиясига биноан депутатлар Жиззах вилояти ҳокимининг биринчи ўринбосари лавозимида ишлаб келаётган Убайдулла Яманқуловни вилоят ҳокими этиб тасдиқлади.

Сессияда Ўзбекистон Қаҳрамони, Жиззах туманидаги Ҳ.Носиров номидаги жамоа хўжалиги пахтачилик бригадасининг бошлиғи П.Зиётов, Мирзачўл ва Жиззах туманлари ҳокимлари — М.Анорбоев ва К.Қобилов, «Жиззах ЛРС Пласт» қўшма корхонаси директори А.Зиёев ва бошқалар сўзга чиқди.

■ **(ЎзА)**

Суратларда: сессия пайтидан лавҳалар.

Муҳаммад АМИН (ЎзА) олган суратлар

АНДИЖОН АРМУҒОНИ

«ПАХТА — 2001»

Ҳурсанбек АРАББОЕВ олган сурат

Мустақил мамлакатимиз деҳқончилиги тарихида ўзига хос меҳнат ғалабасига эришилди. Давлат омборларига 305 минг тонна юқори навли пахта топширилиб, республикада биринчи бўлиб шартнома режаси бажарилди.

Андижонда катта тўй. Ҳар бир хонадону дала шийпонида дастурхон ёзилган. Ўзбекистон Қаҳрамони, Шаҳрихон туманидаги «Олтин водий» ширкат хўжалигининг тажрибали деҳқони Содиқжон Абдурасулов ҳам хушнуд.

— Асакаликларга ҳавас қилдик, — дейди у. — Азаматлар ёз охирламай, пахта режасини бажариб қўйишди. Бунда Асака тумани ҳокими, деҳқончилик устаси Тилаволди Ёқубовнинг ибрати бор.

Олтинкўллик пахтакорлар асакалик илғорларга издош бўлдилар. Андижон тумани пахтакорлари ҳам пешқадамлар қаторида зафарнома битдилар. Шаҳрихонликлар шижоатига кўпчилик «балли» деди. Марҳамат, Избоскан, Жалақудуқ Булоқбоши, Балиқчи, Хўжаобод туманлари ғалабага эришган куни байрам бўлиб кетди.

Умидли ҳаракат Андижоннинг «оқ олтин» хирмонини юксалтирди. Меҳнат билан мўл ҳосил яратилди. Сарсонқумнинг бағрида «оқ олтин» ундирган Мирзажон Иминов номли ширкат хўжалиги пахтакорлари Улуғнор туманида биринчи бўлиб йиллик шартнома режасини уддаладилар.

Пахта ҳосили меҳнат ва меҳр билан яратилади. Андижонликлар қишлоқ хўжалиги соҳасида изчил ишлаяптилар. Янгиликларни дадиллик билан ҳаётга татбиқ этяптилар. Пахтачилик илгарилаяпти. Ўз навбатида ҳосилни барвақт саранжомлаш галлачилик ривожига ривож қўшяпти. Табиатнинг ёғинли кунларига қолмасдан сифатли ҳосил омборларга етказиляпти. Деҳқоннинг даромадига эса даромад қўшиляпти.

■ **Аҳмадулло СОЛИЕВ, «Ўзбекистон овози» мухбири**

ХДП ХАБАРЛАРИ

ШУ КУНЛАРДА

МУСТАҚИЛЛИК ВА МАСЪУЛИЯТ

Партия ташкилотларининг Ўзбекистон давлат мустақиллигининг ўн йиллигини нишонлашда, у ёки бу тарзда иштирок этганликлари тўғрисида аввалги хабарларимизда кўплаб маълумотлар берган эдик. Ушбу ишларнинг якунида шуни таъкидлаш жоизки, биринчидан, Ўзбекистон ХДП тузилмаларининг аксарияти уларда қатнашган бўлсалар-да, хусусан, Андижон, Қашқадарё, Наманган, Тошкент, Хоразм, Фарғона вилоят ва Тошкент шаҳар ҳамда уларнинг тасарруфидаги туман (шаҳар) партия ташкилотларининг шу соҳадаги фаолиятлари намунали бўлди. Улар томонидан ташкил этилган тадбирлар ранг-баранглиги, мафтункорлиги, оммавийлиги билан фарқ қилди.

Иккинчидан, партия ташкилотлари барча тадбирлар иштирокчиларига миллий мустақиллик нафақат бебаҳо неъмат, унинг ўн йиллик қутлуғ санаси — умуммиллий шодиёнаси, балки катта масъулият, мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий ҳаётида муҳим ҳодиса эканлигини тушунтиришга ҳаракат қилдилар. Маъруза ва суҳбатлар, учрашув ва мулоқотларда истиқлолнинг тарихий аҳамияти, Юртбошимиз Ўзбекистон Президенти И. А. Каримов бошчилигида амалга оширилаётган ислоҳотларнинг илҳомбахш самаралари ҳақида ишончли тарзда ҳикоя қилинди, миллий янгиланишнинг ҳозирги босқичида халқимиз, партиямиз олдида турган вазифа ва муаммолар хусусида сўзлашилди, фикр-мулоҳазалар билдирилди. Демак, байрам тадбирлари юртдошларимизга хуш кайфият бағишлаши, уларнинг эртанги кунга ишончини мустаҳкамлаши билан бирга, Ватанимизнинг буюк келажагини яқинлаштириш мақсадида янада унумлироқ меҳнат қилишга ундаган ажойиб воқеа бўлди.

ТУРЛИ-ТУМАН ТАДБИРЛАР

Андижон шаҳар ва Тошлоқ туман партия кенгашлари республика Президенти И. А. Каримовнинг Олий Мажлис VI сессиясидаги «Адолат — қонун устуворлигида» номли нутқи ҳамда сессияда қабул қилинган қонунларнинг мазмун-моҳиятини ХДП аъзолари, барча фуқароларга тушунтириш борасидаги вазифаларни белгилашга бағишланган семинар ва маслаҳатлашув ўтказдилар. Эндиликда, шу мавзудаги маъруза ва суҳбатлар меҳнат жамоалари ва аҳоли истиқомат жойларида ташкил қилинмоқда.

Шу шаҳар партия кенгаши томонидан «Тўққизарик», «Мустақиллик», «Муҳаммад Алибой», «Ишчилар» ва қатор бошқа маҳаллаларда ташкил этилган, мамлакатимиздаги сиёсий партияларнинг ривожига бағишланган «давра суҳбатлари», ХДП Фарғона вилоят кенгашининг фаол иштирокида ҳамда ГФРнинг К. Аденауэр номли жамғармаси шафелигида бўлиб ўтган «Парламент ислоҳоти — Ўзбекистонда демократик тараққиётнинг янги босқичи» мавзуидаги семинар уларнинг қатнашчиларида катта қизиқиш уйғотди.

Касби туманидаги «Майманак» ш.х. бошланғич партия ташкилотининг очиқ йиғилишида кўрилган масала «Ўзингни, ўз уйингни ўзинг асра», деб номланган бўлса, Марҳамат туман партия кенгаши тарғибот-ташвиқот гуруҳи томонидан Т.Мирзаев номли ш.х.да «Виждон эркинлиги нима?» мавзуида мулоқот уюштирилди.

Тўрткўл тумани оммавий ахборот воситалари ходимлари Журналистларнинг халқаро ҳамкорлиги куни муносабати билан уларни учрашувга чақирган туман партия кенгашига миннатдорчилик билдирдилар.

ХДП Беруний туман ташкилотининг халқ таълими тизими ходимлари билан алоқалари мустаҳкамланмоқда. Янги ўқув йили арафасида туман партия кенгаши бир гуруҳ ўқитувчи-партия фаолларини фахрий ёрлиқлар ва совғалар билан мукофотлади.

«Она ва бола» йилида партиямиз ташкилотларининг ёш авлодни тарбиялаш масалаларига эътибори кучаймоқда. Мисол учун, Ўзбекистон ХДП Қўқон шаҳар кенгаши «Жамила» жамғармаси билан ҳамкорликда, Ҳамза номли театрда ўтказган катта томошадан тушган маблағ ногирон болалар учун уст-бош ва ўқув қуролларини сотиб олишга сарфланди.

Қаршидаги «Наврўз» чойхонаси эгаси, Қашқадарё вилоят партия кенгаши аъзоси Гулчеҳра Пиримқулова онахонлар, ҳурматли уй бекаларини меҳмон қилиб, кам таъминланган 40 та оила фарзандларига ўқув қуроллари ҳадя этди, қаровчиси йўқ 15 нафар беморга дори-дармонлар олиб берди.

Тошкент вилоят партия кенгаши, ҳомийлар кўмагида 163 нафар истиқлол тенгдошларини «Болалар қомуси», дарсликлар, ўқув қуроллари ва кийим билан сийлади. Шундай тадбир Деҳқонобод туман партия кенгаши томонидан ҳам ташкил этилиб, унда мустақиллик эълон қилинган кунда туғилган 10 нафар ўғил-қизларга «Ситора» фирмаси совғалар улашди.

Номзоди ХДП Фарғона шаҳар кенгашидан кўрсатилган депутат М. Абдуллаев 30 нафар ўқувчини кийим ва ўқув қуроллари билан таъминлади.

Булунғур, Тўрақўрғон, қатор бошқа район ва шаҳар партия кенгашлари ҳам кўплаб камқувват оилалар фарзандларини кийим-кечак ва ўқув қуроллари билан таъминлашни уюштирдилар.

Зангиота туман ҳокимлиги, Ўзбекистон ХДП туман кенгаши, тумандаги «Соғлом авлод учун» жамғармаси, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати кенгаши ва Ўзбекистон телевидениесининг «Ёшлар» канали ёшлар учун катта шоу-концерт ташкил этдилар. Ушбу, туманнинг марказий ўйингоҳида ўтган, кўп минг кишилик тадбирда туман ҳокими Ҳ. Нурматов ва ХДП Тошкент вилоят кенгаши иккинчи котиби Н. Тоиров қатнашдилар.

Бешкент шаҳридаги «Пахтачи» ўйингоҳида ҳам катта спорт ва байрам томошаси ўтказилди. Уни ташкил этишга Қашқадарё вилояти ҳамда Қарши тумани ХДП ва «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати кенгашлари, «Нуроний» ва «Маҳалла» жамғармалари, маҳаллий ҳокимлик, шунингдек, спорт ташкилотлари ҳисса қўшдилар.

Ўзбекистон ХДП Балиқчи туман кенгаши саъй-ҳаракатлари билан, туман маданият саройида, «Биз — Ўзбекистон фарзандларимиз!» мавзуида ёшлар вакиллари билан учрашув бўлиб ўтди. Фаол ёшларга совғалар топширилди.

«Олтинкўл» АЖ ёшлари учун уюштирилган «Миллатимиз камолоти» мавзуидаги мулоқотнинг ташаббусчиси Олтинкўл туман партия кенгаши эди.

Косонсой туманидаги «Деҳқонобод» ш.х. илғорларининг Ўзбекистон Миллий академик драма театри артистлари билан учрашувининг кўпгина иштирокчилари ҳам ёшлар бўлдилар. Тадбирни ўтказишда бошланғич партия ташкилоти жонбозлик кўрсатди. Учрашувда бир гуруҳ партия фаолларига ХДП туман кенгашининг фахрий ёрлиқлари ва эсдалик совғалари берилди.

ПАРТИЯ ТАШКИЛОТЛАРИ ФАОЛИЯТИДАН

Ўзбекистон ХДП Балиқчи туман кенгаши ташаббуси билан «Омон ариқ» маҳалла фуқаролар йиғинида тумандаги 15 та маҳалла оқсоқоллари, посбонлари ва бошланғич партия ташкилотлари котиблари иштирокида фаоллар йиғини бўлиб ўтди. Унда ҳудудий партия ташкилотлари фаолиятини жонлантириш, тарбиявий ишларни кучайтириш юзасидан маслаҳатлашиб олинди.

Маҳаллий партия ташкилотлари ХДПдан сайланган депутатларга сайловчилар билан учрашувларни мунтазам ўтказиш ва ижтимоий муаммоларни ҳал этишга яқиндан кўмаклашмоқдалар. Халқ депутатлари Самарқанд вилоят Кенгашига партиямиздан сайланган вилоят «Матлуботсавдо» АК бошқаруви раиси Қ. Нуриддинов Тойлоқ туманидаги «Боғизоғон» ш.х.да ўз сайловчилари билан учрашиб, ўзининг депутатлик фаолияти тўғрисида ҳисобот берди. Учрашувда туман ҳокимининг биринчи ўринбосари С. Қодиров, вилоят партия кенгаши биринчи котиби Р. Ҳамроқулов ва бошқалар сўзга чиқиб, депутатнинг эътиборини қишлоқларда ишбилармонликни ривожлантириш ва кичик саноат корхоналарини очишга кўпроқ кўмаклашиш масалаларига қаратдилар.

Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси депутати М. Турумбетова ўз сайловчилари билан учрашиб, ўзининг депутатлик фаолияти ва фуқароларнинг истак ва таклифларини бажаришга доир ишлари хусусида ҳисобот берди.

Оҳангарон шаҳар Кенгаши депутати А. Сатторов, сайловчиларнинг фикрларини инобатга олиб, шаҳарнинг гавжум мавзеларидан бирида, ўз ҳисобидан, бозорча қурдирди.

Халқ депутатлари Фарғона шаҳар Кенгаши депутатлари Р. Жўрабоева ва Ҳ. Юнусовлар «Хўжамағиз» маҳалласидаги мактаб эҳтиёжлари учун 100 000 сўм ажратдилар. Шу Кенгаш депутати В.Белоногов ёрдамида шаҳардаги «Она ва бола» тиббиёт маркази тўла таъмирланди.

Диққатга сазовор нарса шуки, ўтказилаётган оммавий тадбирлар давомида энг фаол партия фаолларини тақдирлаш билан бир қаторда, Ўзбекистон ХДП сафларига кирган янги аъзоларга партия билетларини тантанали топшириш ҳам одат тусига кирди. Жумладан, Қува туман партия кенгаши раҳбарлигида Тўқимачилик мажмуида яқинда ўтказилган тадбир ниҳоясида ХДПга киришни хоҳлаб ариза берган 48 нафар ишчи ва хизматчиларга партия билетлари топширилди.

«Бухоротелеком» алоқа корхонасида бўлиб ўтган тантанали йиғилиш Ўзбекистон ХДПга қабул қилинган 10 нафар муносиб фуқарога партия билетларини топшириш билан якунланди.

Собир Раҳимов тумани партия кенгаши раҳбарлари 54-оилавий шифохона ходимларидан, ўз тақдирини Ўзбекистон ХДП билан боғлаган, 25 нафарига партия билетларини тантанали топшириш маросимини ташкил этдилар. Партиямиз сафлари кенгайиб бораётганлигини кўрсатувчи бундай мисоллар жуда кўп.

Жойларда Ўзбекистон ХДП ташкил топганлигининг ўн йиллигига тайёргарлик ишлари ҳам бошлаб юборилди. Бу ҳақда келгуси ахборотларда маълумот берилади.

■ **Ўзбекистон ХДП МК матбуот хизмати**

«СИЁСАТ» КЛУБИ ЙИҒИЛИШИ

Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгаши ҳузуридаги «Сиёсат» клубининг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди. Клуб аъзолари — Ўзбекистон ХДП МК, Тошкент шаҳар, пойтахт вилоятидаги шаҳар ва туман партия кенгашлари масъул ходимлари, партия марказий матбуот нашрлари журналистларининг эътиборига тарих фанлари номзоди С. Қурбоновнинг яқинда нашр этилган «Ўзбекистон Халқ демократик партияси» (ташкил этилиши тарихи ва фаолиятидан лавҳалар) номли китоби ҳавола этилди.

Муаллиф уни ушбу ишга қўл уришга ундаган омиллар ҳамда китоб яратилишининг асосий босқичлари тўғрисида сўзлаб берди. Йиғилишда сўзга чиққан профессор А. Абдунабиев ва қатор фаоллар Ўзбекистон ХДПнинг 10 йиллиги арафасида, партия тўғрисидаги китобнинг нашр этилиши ижобий ҳодиса эканлигини таъкидлаб, унинг мазмунига ҳам юқори баҳо бердилар.

Китоб партиянинг маҳаллий ташкилотлари орқали тарқатилмоқда ва ундан Ўзбекистон Халқ демократик партияси ташкил этилганлигининг 10 йиллиги билан боғлиқ тарғибот-ташвиқот ишларида фойдаланилади.

■ **Ўзбекистон ХДП МК матбуот хизмати**

МУНОСАБАТ

ТЕРРОРИЗМ — XXI

Террорчи унсурларнинг Нью-Йорк ва Вашингтон шаҳарларида амалга оширган ваҳшиёна хуружлари бутун жаҳонни ларзага солди — дунё қалқиб кетгандек бўлди.

Мана бир неча кундан бери бутун дунё жамоатчилигининг, оммавий ахборот воситаларининг диққат-эътибори Америка Қўшма Штатларига қаратилган. Бу — табиий бир ҳол. Чунки инсоният терроризм деб аталмиш бало келтирган бу даражадаги кулфатни ҳали кўрмаган эди — минглаб тинч аҳоли ҳалок бўлди, ақл бовар қилмайдиган мудҳиш вайронагарчиликлар одамларнинг кўзи ўнгида рўй берди...Даҳшат... Тилларда ҳам, дилларда ҳам қўли қон манфур террорчиларга нафрату лаънат, жабрдийдаларга ҳамдардлик...

Мамлакатимиз Президенти Ислом Каримов АҚШ Президенти номига самимий ҳамдардлик мактубини йўллади. Давлатимиз раҳбари ваҳшиёна террорлик хуружи оқибатида қурбон бўлганларнинг оиласига чуқур ҳамдардлик изҳор этар экан, бу умумий хавф-хатар — терроризмга қарши курашишда Ўзбекистон Республикаси Америка Қўшма Штатлари билан бундан кейин ҳам фаол ҳамкорлик қилиш борасида қатъий эканлигини яна бир бор тасдиқлади.

Терроризм бугунги дунё учун янгилик эмас. Ҳиндистон, Туркия, Исроил, Миср ва яна бошқа қатор мамлакатлар аҳолиси унинг нақадар жиддий хавф эканини яхши билади. Дунё харитасида янги мустақил давлатлар пайдо бўлганидан кейин бу офат Марказий Осиё томон ҳам ўрмалай бошлади...

Ўзбекистон ҳам терроризм жабрини ўз бошидан ўтказган мамлакатлар сирасига киради. Шу ўринда биргина 16 февраль воқеаларини ёдга олишнинг ўзи кифоя қилади. Ўша куни террорчилар томонидан амалга оширилган мудҳиш портлашлар оқибатида юракларда қолган чандиқлар ҳали битган эмас, битмайди ҳам...

...Ҳа, Ўзбекистон терроризмнинг нима эканини яхши билади.

Шу кунларда, Америкада рўй берган фожиали воқеалардан сўнг Россия Федерацияси Давлат думаси халқаро терроризмга қарши дунё ҳамжамияти биргаликда курашиши лозим, деган тўхтамга келди. Бу фикр бошқа мамлакатлар сиёсий арбоблари, журналистлар, жамоатчилик вакиллари томонидан ҳам билдирилди. Ҳолбуки, Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов кўп йиллардан бери бу хавф-хатар на миллат, на чегара ва на ҳудудни танламайдиган мудҳиш бало экани ва унга қарши умумжаҳон миқёсида ўзаро бирликда, жиддий курашиш лозимлигини қайта-қайта такрорлаб келади.

Биргина 1999 йилнинг ноябрь ойида Истамбул шаҳрида бўлиб ўтган ЕХҲТ саммитини эсга олайлик. Ўшанда ҳам мамлакатимиз раҳбари саммит иштирокчилари диққат-эътиборини ушбу кечиктириб бўлмайдиган муаммога қаратган ҳамда ЕХҲТ ҳомийлигида Терроризмга қарши кураш бўйича халқаро марказ тузиш таклифини ўртага ташлаган эди. Бу таклиф БМТ нинг 2000 йилги «Мингйиллик саммити»да ҳам илгари сурилди. У кўпчилик давлатлар томонидан қўллаб-қувватланган бўлса-да, унинг амалий ижроси пайсалга солинди. Мазкур қимматли ғоянинг ҳаётга изчил татбиқ этилишига панжа орасидан қаралмаганда Америкада бундай аянчли, минг-минглаб тинч аҳоли қурбон бўлган фожиа эҳтимол рўй бермас эди.

Ҳа, ҳеч ким бундай бўлишини кутмаган эди. Лекин у содир бўлди. Америка фожиаси халқаро терроризм хуружидан ҳеч ким ва ҳеч бир мамлакат тўла муҳофаза қилинмагани ҳамда у, давлатимиз раҳбари сўзлари билан айтганда, чегара, давлат ва миллат танламаслигини яна бир бор исботлади — ҳатто Америкадай қудратли мамлакат ҳам, афсуски, халқаро терроризмнинг ақл бовар қилмайдиган, даҳшатли хуружидан жабр чекди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов ўзининг 1997 йили чоп этилган «Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари» номли асарида билдирган қуйидаги фикрлар диққатга сазовордир: «Ўз эркимизни қандай тасарруф этиш, уни бугунги мураккаб ва баъзан шафқатсиз дунёдаги ҳаддан зиёд хавф-хатарлардан сақлаш ҳар биримизга боғлиқдир... Афтидан, бугунги кунда хавфсизлик ва барқарорлик йўлида пайдо бўлаётган таҳдидларга тегишли муносабатда бўла олишнинг ўзигина етарли эмас. Мавжуд хавф-хатарларнинг табиатини тўғри тушуниб етишимиз керак. Уларнинг манбалари ва ўзаро алоқаларини вақтида аниқлашимиз даркор...».

Шу ўринда бир савол туғилади. XXI аср офати — терроризм балосидан қандай қутулиш мумкин? Терроризм мавжуд экан мамлакатларни, тўғрироғи, инсониятни террорчилар хатти-ҳаракатларидан муҳофаза қилиш мумкин эмас. Америка фожиаси буни исботлади. Аниқ-равшан кўриниб турибдики, бу офатдан қутулишнинг ягона йўли терроризмнинг асл манбаларини — ижрочи қўпорувчилар ортида турган қабиҳ кучларни, лагерлар ҳамда уларни маблағ, ўқ-дори, қурол-яроғ билан таъминлайдиган ташкилотлар ва қонхўр буюртмачи сармоядорларни, бир сўз билан айтганда, унинг уруғини қириб ташлаш керак. Акс ҳолда эса бошқа саъй-ҳаракатлар қутилган самарали натижани бермайди.

Нью-Йорк ва Вашингтон шаҳарларида рўй берган халқаро террористлар теракларига дунё сиёсат оламининг намояндалари, жаҳон оммавий

DUSHANBA 17

Телетомошабинлар диққатига!
Профилактика муносабати билан Душанба, 17 сентябрь куни «Ўзбекистон –1» телеканали кўрсатувлари соат 15.00 дан бошлаб қўрсатилади.

15.00 «Олтин тож». Телевизион ўйин.
15.20 ТВ-1 намойиш этади.
15.35 Ўзбекистон телерадиокомпанияси эстрада симфоник оркестрининг концерти.
16.05 «Бу ажиб фасл». Телеальманах.
16.25 ТВ -анонс.
16.30 «Зиё» студияси намойиш этади: «Эътиқод мустаҳкамлиги йўлида».
17.00 «Кўшиғимиз сизга армуғон». Мусиқий дастур.
17.25 Навоий ҳақида ривоятлар. «Лутфий ва Навоий».
17.55 ТВ-маркет.
18.00 Янгиликлар.
18.10 «Ўзбекистон фуқароси».
18.25 «Суғурта».
18.40 «Мусиқий танаффус».
18.50 «Бахтли воқеа». Телелотерея.
19.25, 19.55, 20.25, 21.00 Эълонлар
19.30 «Ахборот» (рус тилида)
20.00 Оқшом эртаклари.
20.15 Биржа ва банк хабарлари.
20.30 «Ахборот».
21.05 «Ўзбекистон – Ватаним маним». Мусиқий дастур.
21.35 «Қабул соати».
22.00 «Маънавият» дастури.
22.45 «23,5 даражали бурчак остида». Телесериал премьераси. 26-қисм.
23.10 «Ахборот».
23.45-23.50 Ватан тимсоллари.

YOSHLAR
8.55 Кўрсатувлар дастури.
9.00 «Давр тонги».
10.00 «Живз ва Вустер». Телесериал.
10.50 Ватан ҳақида қўшиқлар.
11.00 «Давр ҳафта ичида».
11.40 «Янги авлод» студияси: «Ким эпчил-у, ким чаққон?»
12.05 Мели Юсуф. «Чеча». Аброр Хидоятов номидаги Ўзбек давлат драма театрининг спектакли.
13.40 «Давр»-news.
14.00 Кўҳна оҳанглар.
14.10 Якшанбада кўришгунча.
14.25 «Заковат» интеллектуал ўйини.
15.25 Олтин мерос.
15.30 Қўли гул уста.
15.50 «Қандай ажиб бу дунё». Бадиий фильм.
* * *
17.30 Кўрсатувлар дастури.
17.35 «Янги авлод» почтаси, «Билағон маслаҳати».
18.05 Юксалиш.
18.25 «Эрта сўнган юлдузлар».
18.45 Оқшом наволари.
18.55, 21.55 Иқлим.
19.00 «Давр». Ахборот дастури.
19.30 ТВ-анонс.
19.35 Тафаккур ёлқинлари.
19.50 Мусиқий лаҳзалар.
19.55 Ёшлар овози.
20.15, 21.00, 22.30 Эълонлар.
20.20 «Дон Кихот». Бадиий фильм 1-қисм.
21.05 Қишлоқдаги тенгдошим.
21.25 Мусиқий лаҳзалар.
21.30 Бир ўлка-ки.
21.50 Олтин мерос.
22.00 «Давр». Ахборот дастури.
22.30 Тунги тароналар.
22.40 «Қалбим чечаги». Телесериал. 9-қисм.
23.30 «Давр». Ахборот дастури.
23.45 «Ёшлар» телеканалида спорт: Интерфутбол.
1.20-1.25 Ҳайрли тун!

17.20 Кўрсатувлар тартиби.
17.25 ТТВда сериал: «Санта-Барбара».
18.05 Мультфильм.
18.15 «Жозиба».
18.30, 21.00, 23,00 «Пойтахт». Ахборот дастури.
18.40 «Эҳтиром ила».
19.00, 20.15, 22.45 «Экспресс» телегазетаси.
19.15 «t 36,6». Мусиқий дам олиш дастури.
19.45 «Табриклаймиз, қутлаймиз».
20.30, 21.20 «Ўзбегим навоси».
21.50 «Авто-news».
22.05 ТТВда сериал: «Селеста».
23.10 Оҳанглар ва эълонлар.
23.15-23.20 «Хайрли тун, шаҳрим!»

4TV
15.00-15.55 ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
*
15.55 Кўрсатувлар тартиби.
16.00 «Вести».
16.25 «Морена Клара». Сериал.
17.15 «Бугун оламда». Ахборот кўрсатуви.
*
17.20 М. Евдокимов ҳузурида меҳмонда.
18.00 «Муҳаббат замини». Сериал.
19.00 «Мени кутгил».
20.00 «Время».
20.40 «Чангалзорлар қонуни». Ҳужжатли сериал (Би-Би-Си)
*
21.35 «Бизнес-ревю».
21.40 «Оила» сайёрасида».
21.55 «ТВ-4да Немис тўлқини».
22.15 «Клип-антракт».
